

Қурбон ҳайити куни пойтахтда жамоат транспорти соат 03:00 дан иш бошлайди



08:15 / 04.06.2025 784

Тошкент шаҳар транспорт ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бош бошқармаси Қурбон ҳайити куни пойтахтда жамоат транспорти соат 03:00 дан иш бошлашини [маълум қилди](#).

«6 июнь, жума куни Қурбон ҳайити муносабати билан халқимизга қулайлик яратиш мақсадида Тошкент шаҳридаги автобус йўналишлари ва метрополитен соат 03:00 дан ўз ҳаракатини бошлайди», - дейилади хабарда.

Ушбу қарор жамоат транспорти орқали ҳайит намозида иштирок этишни режалаштираётган фуқаролар учун қулайлик яратиш мақсадида қабул қилинган.

Олдинроқ Ўзбекистон мусулмонлари идораси Қурбон ҳайити намозининг ўқилиш вақтларини эълон қилганди. Унга кўра, Тошкент шаҳридаги жомеъ масжидларда эрталаб соат 05:10 да Қурбон ҳайити намози [ўқилади](#).

Президент қарорига кўра, аҳолининг Қурбон ҳайити байрамини муносиб ўтказиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида 7 июнь, шанба куни олти кунлик иш ҳафтаси тартиби бўйича ишлайдиган ходимлар учун қўшимча дам олиш куни этиб белгиланган.